

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ ВА ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**1-МЖ-08 гуруҳ талабаси
Мирзаев Адхамжон Муродович**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни
бошқариш
(Учқўрғон тумани мисолида)**

Илмий раҳбар:

проф. Т.Эргашев

Наманган-2012

Аннотация

Мирзаев Адхамжон Муродовичнинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни бошқариш (Учқўрғон тумани мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий ишида иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида хусусий бизнес секторни бошқарилиши масалалари ёритилган. Иш асосан кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб “Иқтисодиётни модернизациялар шароитида кичик бизнесни бошқариш асослари» деб номланган бўлиб, Унда кичик бизнес тушунчаси, ва уни бошқарилишига таъсир этувчи омиллар назарий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватланиши ва бошқарилиши бўйича мулоҳазалар юритилган. Кичик бизнесни давлат томонидан бошқариш бўйича хорижий тажрибалар тўғрисида маълумотлар берилган.

Иккинчи боб «Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқарилиши ва ундаги муаммолар» деб аталди. Бу бобда Учқўрғон тумани иқтисодиётининг ривожланиши ва хусусий секторнинг бошқарилиши ва туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш даражалари таҳлил этилган. Шу билан бирга Учқўрғон туманида кичик бизнесни бошқаришда юзага келган муаммолар аниқланган.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни бошқарилишини янада такомиллаштириш йўналишлари» деб юритилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда давлатнинг бош ислохотчилигини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида ишланмалар яратилди.

Битирув малакавий ишнинг хулоса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида тегишли хулосалар чиқарилган ва уларнинг асосида саноатнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1-боб. Иқтисодийни модернизациялар шароитида кичик бизнесни бошқариш асослари	6
1.1. Кичик бизнес тушунчаси, ва уни бошқарилишига таъсир этувчи омиллар	6
1.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватланиши ва бошқарилиши	10
1.3. Кичик бизнесни давлат томонидан бошқариш бўйича хорижий тажрибалар	15
2-боб. Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқарилиши ва ундаги муаммолар	20
2.1. Учқўрғон тумани иқтисодийнинг ривожланиши ва хусусий секторнинг бошқарилиши	20
2.2. Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш	24
2.3. Учқўрғон туманида кичик бизнесни бошқаришда юзага келган муаммолар	27
3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни бошқарилишини янада такомиллаштириш йўналишлари	33
3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда давлатнинг бош ислохотчилигини таъминлаш	33
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш аҳамиятини ошириш чоралари	36
Хулоса	38
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	42

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республика Президенти И.А.Каримов томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб аталиши ушбу секторни янада ривожлантириш зарурлигини келтириб чикарди. “Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш...”¹ масаласида жадал чора-тадбирлар амалга оширилганлигини алоҳида қайд этиш керак. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб боришини аниқ кўриш мумкин. Юртимизда амалга оширилаётган модернизация ва демократлаштириш жараёнлари эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг янада ривожланишига туртки бермоқда. Дарҳақиқат иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнлари, маънавий жиҳатдан янгилиниши учун кенг имкониятлар яратиб берилди.

«Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди»².

“Ўзбек модели” асосидаги тамойилларга амал қилган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш ва бу танланган йўл ҳақлиги ва адолатли принципларга асосланганлиги ҳаёт синовларида текширилиб, жамоатчилик томонидан оммавий тарзда маъқулланди. Бугунги кунда мазкур тамойилларни амалга ошириш натижасида, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг жорий этилиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва сезиларли иқтисодий ўсиш амалга оширилмоқда.

Бироқ шунга қарамай, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида «маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор»³. Бунда кичик бизнесни ролини алоҳида белгилаш эса муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, бугунги кунда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ўрганиш, уларнинг ҳозирги ҳолатига таҳлилий жиҳатдан баҳо бериш, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш битирув малаквий ишнинг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришга доир устувор масалалар энг аввало Республика Президенти И.А. Каримовнинг барча асарларида келтирилган. Мавзуга доир хорижий олимлардан А.В.Бусигин, С.Жизнин, В.Крупнов ва бошқа бир қатор иқтисодчиларнинг илмий ишларини келтиришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда мамлакатимиз олимларидан Ё.Абдуллаев, Ш.Мирзиёев Қ.Муфтайдинов, С.Суёнов, С.Қосимова, А.Йўлдашев кабиларнинг ишларида ҳам ушбу мавзу муаммолари кўтариб чиқилган.

¹ Каримов. И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 39 бет.

² Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 18 бет.

³ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 23-24 бет.

Бирок, айнан Учқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини бошқаришдаги амалий ҳолат ва унинг муаммоларини ҳали тўлиқ ўрганилган деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу боис ушбу мавзу бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини бошқариш ва ривожлантиришни Учқўрғон тумани мисолида очиб беришга қаратилган илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- кичик бизнес тушунчаси, ва уни бошқарилишига таъсир эътувчи омилларни назарий асослаш;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватланиши ва бошқарилишини ифода этиш;

- кичик бизнесни давлат томонидан бошқариш бўйича хорижий тажрибалар тўғрисида мулоҳаза юритиш;

- Учқўрғон тумани иқтисодиётининг ривожланиши ва хусусий секторнинг бошқарилишини таҳлил этиш;

- Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришнинг амалий ҳолатини белгилаш;

- Учқўрғон туманида кичик бизнесни бошқаришда юзага келган муаммоларни аниқлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда давлатнинг бош ислохотчилигини таъминлаш тўғрисида мулоҳазалар юритиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш аҳамиятини ошириш чоралари бўйича ишланмалар яратиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти Иқтисодиёт таркибида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Тадқиқот ишнинг предмети сифатида Учқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини бошқаришдаги иқтисодий муносабатлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар, Республика Президенти И.А.Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш ва кичик бизнесни бошқаришга, ривожлантиришга доир асарлари, ҳамда хорижий ва ватанимиз олимларининг мавзуга оид илмий манбалари ушбу тадқиқотнинг услубий асосларини ташкил этади.

Тадқиқотни амалга оширишда Учқўрғон тумани ҳокимлиги ва туман статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, унинг асосий мазмунини ифодаловчи учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, амалий аҳамияти ва бошқалар баён этилган.

Биринчи боб “Иқтисодиётни модернизациялар шароитида кичик бизнесни бошқариш асослари» деб номланган бўлиб, Унда кичик бизнес тушунчаси, ва уни бошқарилишига таъсир эътувчи омиллар назарий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватланиши ва бошқарилиши бўйича мулоҳазалар юритилган. Кичик бизнесни давлат томонидан бошқариш бўйича хорижий тажрибалар тўғрисида маълумотлар берилган.

Иккинчи боб «Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқарилиши ва ундаги муаммолар» деб аталди. Бу бобда Учқўрғон тумани иқтисодиётининг ривожланиши ва хусусий секторнинг бошқарилиши ва туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш даражалари таҳлил этилган. Шу билан бирга Учқўрғон туманида кичик бизнесни бошқаришда юзага келган муаммолар аниқланган.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни бошқарилишини янада такомиллаштириш йўналишлари» деб юритилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда давлатнинг бош ислохотчилигини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида ишланмалар яратилди.

Битирув малакавий ишнинг хулоса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида тегишли хулосалар чиқарилган ва уларнинг асосида саноатнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-боб. Иқтисодийни модернизациялар шартларида кичик бизнесни бошқариш асослари

1.1. Кичик бизнес тушунчаси, ва уни бошқарилишига таъсир этувчи омиллар

Миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 21 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг асосий йўналишлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишни давом эттириш, режа ва дастурларни амалга оширишдаги тўғри танланган стратегияни, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида мулоқазалар юритилди. 2011 йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди”¹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пойдевори амалдаги бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёни ишлаб чиқариш таркибининг маълум даражадаги нисбатини келтириб чиқаради ва иқтисодиёт субъектларида ихчам иқтисодий фаолият турини танлашга, бозордаги ўзгаришларга жавобан тезлик билан ўз фаолиятини ташкил этишга мойилликни шакллантириб боради.

Юқоридаги фикрлармиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес тушунчаси талқини барчамизни қизиқтириши табиий ҳол. Чет мамлакатлар қонунчилиги ва илмий адабиётларда иқтисодиётнинг ушбу сектори асосан “майда ишлаб чиқариш”, “кичик тадбиркорлик” ва “кичик бизнес” каби атамалар билан талқин этилади.

¹ И.А. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 39 бет.

Моҳиятан олиб қараганда, дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида унинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолият кўрсатиш асослари деярли бир хил мазмун ва аҳамият касб этади. Бироқ турли мамлакатлар иқтисодийнинг ривожланганлик даражаси ва ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кичик бизнес субъектларини аниқлашда турлича ёндашилади. Бунда асосан кичик бизнес фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ёки мезонларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 15 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун 3-моддасида «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”.

Кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларга бозордаги талабга тез мослаша бориши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти; нисбатан қисқа муддатларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларга бўлган талабни қондира олиши; дастлабки сармоя ҳажмининг нисбатан камлиги; тез орада янги ишчи ўринлари барпо этиш ва бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш имконияти; бизнес эгасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги бевосита иштироки ва бошқаларни киритиш мумкин.

Иқтисодчи олимлар томонидан эълон қилинган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”да¹ кичик бизнеснинг иқтисодий жиҳатлари ҳамда манфаатли хусусиятлари қуйидагича ёритилади:

– кичик бизнес – аҳолининг талай қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаи, етарли малака ва тажриба бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми. Аёллар, илк бор иш қидираётган ёшлар, маълумоти ва меҳнат тажрибаси юқори даражада бўлмаган шахслар кўпинча фақат шу ердан иш топишлари мумкин. Бу жабҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлиши кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омилга айланганидан далолат беради;

– кичик тадбиркорлик аҳоли орасида иш юритиш ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, унинг бозор муносабатларига мослашганлик даражасини оширишда потенциал самарали воситадир. У фуқароларга нафақат ўз ишчи кучи, балки ўз мулки, жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулк эгаси бўлишига имкон яратиб, ўрта синф-жамиятнинг прогрессив тараққиётини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади;

– кичик бизнес бутун иқтисодийнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. У истеъмол талабининг ўзгаришларига ҳаммадан тез мослашади, иқтисодий вазиятнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолияти ихтисосини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олади;

– кичик бизнес иқтисодийнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайди.

Маълумки, иқтисодий субъектлари сифатида давлат сектори ва хусусий сектор фаолият кўрсатади. Кичик бизнес хусусий секторнинг маълум бир қисми бўлиб, унинг фаолияти хусусий ёки мулк улуш орқали амал қилади.

Кичик бизнесда иқтисодий ҳамкорлик имкониятлар даражасида амалга оширилади ва иқтисодий ҳолат мустаҳкамланиб борилади. Кичик бизнес мамлакат иқтисодийнинг таркибий қисми сифатида унинг иқтисодий асосини ташкил этади ва умумиқтисодий

¹ Қаранг: Г.Саидова ва бошқалар. Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

жихатдан муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги даврда кичик бизнес жамиятда ишлаб чиқариш қанчалик кенг тарқалган ва мустаҳкам бўлса, мамлакат иқтисодиёти шунчалик барқарор ривожланган бўлади ва у иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Кичик тадбиркорликни кичик бизнеснинг муҳим бўғини деб қараш мумкин. Иқтисодиётнинг ҳаддан зиёд мафкуралашуви кичик бизнеснинг иқтисодий аҳамиятини пасайишига олиб келади. Кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётида мустаҳкам мавқега эга эга бўлиб бораётганликлари, уларнинг таъсири кучаяётганлиги алоҳида қатлам сифатида аҳамият касб этишини белгилайди. Шунинг учун уларнинг ички таркиби ҳам турли шакллар ва мақомлари билан изоҳланади. Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари мақомини белгилашда ишловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистонга хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мулк шаклидан қатъий назар тармоқ йўналишига қараб қўйилган миқдорий кўрсаткичлар 1-жадвалда белгиланган.

1-жадвал. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулк шаклидан қатъий назар тармоқ йўналишига кўра миқдорий кўрсаткичлар¹

2004 йилгача бўлган меъёрий ҳужжатларда	Одам сони	2004 йилдан ҳозирга қадар амал қилаётган меъёрий ҳужжатларда	Одам сони
ишлаб чиқариш соҳасидаги микрофирмаларда	10 кишигача	ишлаб чиқариш соҳасидаги микрофирмаларда	20 нафаргача
савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларда	5 кишигача	Савдо (5) ва хизмат кўрсатиш (10) соҳаларда	5-10 нафаргача
ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик корхоналарда	40 кишигача	ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик корхоналарда	100 нафаргача
қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида	20 кишигача	қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида	50 нафаргача
илм-фан, илмий, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида	10 кишигача	илм-фан, илмий, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида	25 нафаргача

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес қуйидаги вазифаларни бажаради:

Биринчидан, истеъмол учун зарур бўлган арзон товарларни ишлаб чиқариш ва бозорни тўйинтириш орқали аҳолининг ҳарид қобилиятни оширади. Бозордаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, аҳолини инфляциядан ҳимоялаш орқали товар ва хизматлар истеъмолининг барқарорлигини таъминлайди.

Учинчидан, товар хўжалигининг ривожланишини рағбатлантиради ва аҳолининг пул даромадларини юксалишини таъминлайди.

Тўртинчидан, янги иш ўринларини яратиши орқали меҳнатни рағбатлантиришнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлайди.

¹ Жадвал муаллиф томонидан амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган.

Бешинчидан, аҳоли фаровонлигини ошириши орқали жамиятда ўрта ҳол қатламнинг кўпайишига хизмат қилади ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Кичик бизнеснинг юқорида қайд этилган вазифалари унинг иқтисодий мазмунини ифодалайди. Бу вазифалар жамият учун ўта муҳим ҳисобланади, чунки кичик бизнес моҳиятан пировар мақсадга эришишни, яъни аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган индивидуал интилишлар самарасини таъминлайди.

Кичик корхоналарнинг глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнлари кучайиш мавқеи мустаҳкамлашиб бориши қуйидаги омиллар билан бевосита боғлиқ.

2-жадвал. Кичик бизнес фаолияти ривожига таъсир этадиган омиллар

Бизнес фаолияти иштирокчилари	М а н ф а а т л а р
I. Ички шароитлар	
1. Сармоя эгаси, эгалари	-сармояни сақлаш ва кўпайтириш; -мунтазам фойда олиб туриш; -Пироварда равишда ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи.
2. Менежерлар	-фойда олиш ва фирманинг ривожланишини таъминлаш; -хусусий манфаатлар.
3. Ёлланма ходимлар	-юқори иш ҳақи; -иш жойин юқотмасликка ишонч; -яхши меҳнат шароитлари ва юқори даражадаги ижтимоий ҳимоя.
II. Ташқи муҳит:	
1. Давлат ва жамоатчилик	-иш жойларини ярташи; -дунё бозорида рақобат қилиш; -баҳо даражасининг бир меъёрда сақланиши; -бозор муносабатларини қўллаб-қувватлаш; -истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш.
2. Хом ашё етказиб берувчилар	-юқори даромад ва кам харажатлар; -шартнома алоқларининг барқарорлиги.
3. Кредиторлар	-юқори фоизлар; -кредитни қайтариш кафолати; -фирмага таъсир этиш имконияти.
4. Истеъмолчилар	- кенг танлов имконияти; - маҳсулотнинг юқори сифатда бўлиши; - баҳонинг паст даражада бўлиши; -сервис хизматининг юқори даражада бўлиши.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес анъанавий мавжуд бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида амал қилади. Дастлаб, кичик бизнес йирик ишлаб чиқаришга рақиб бўлишга қаратилган бўлмайди ва у моҳиятан кичик ишлаб чиқариш доирасида амал қилади. Кичик бизнес мураккаб бўлмаган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини, фермер ва деҳқон хўжаликларини қамраб олади. Кичик бизнес учун меҳнат ресурслари миқдоран кўп бўлсада, аммо унча катта бўлмаган асосий капиталга эга. Меҳнат ресурсларининг ўсиши ҳисобига у ўз ишлаб чиқаришини ўстириши ва зарур бўлса уни диверсификациялаш қобилиятига эга бўлади.

1.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватланиши ва бошқарилиши¹

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг амалга оширилаётганлиги ва бунда давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ташаббускорликлиги бугунги кунда янада яққолроқ сезилмоқда. Худди шу нуктаи назардан кичик ва хусусий бизнесни тартибга солишдаги давлат механизми фаолиятида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда кичикни давлат томонидан макроиқтисодий тартибга солишнинг эътиборга сазовор томони шундаки, давлат бизнес субъектлари фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувни қисартириб бориш йўлини тутган.

Маълумки, мамлакатда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ва ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан асосий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, Президентнинг бир қатор Фармонлари ва Ҳукуматнинг Қарорларига амал қилинмоқда. Уларнинг барчаси амалда ўз натижасини бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш кўлами ҳар бир мамлакат иқтисодий ижтимоий ва сиёсий аҳволи ҳолатидан келиб чиқади. Шунинг учун бу борада *қуйидаги йўналишлар* мавжуд:

- давлат бюджети маблағлари эвазига қўллаб – қувватлаш;
- ҳар хил фондлар ва уюшмалар маблағлари ҳисобига;
- молия ва кредит тизимида турли имтиёзлар бериш орқали;
- ахборотлар билан доимий равишда таъминлаб бориш ва ҳоказо.

Бу борада мамлакатимизда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига бевосита кўмак берувчи, уни қўллаб -қувватловчи махсус *қўмиталар ва кенгашлар* мавжуд. Уларга:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш;
- Олий Мажлисининг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик бўйича қўмитаси;
- Монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш қўмитаси;
- Вазирлар Маҳкамасининг (реструктуризация) хусусийлаштириш қўмитаси каби махсус идоралар ташкил этилди.


Мамлакат миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш ҳамда рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бу идораларнинг асосий вазифаси ҳисобланади (1-чизма).

Маҳаллий органлар, ҳокимлар ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича ўз дастурини ишлаб чиқдилар, ҳамда амалга оширадилар.

Кичик тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади унинг самарали ўсишини таъминлайдиган ривожланган инфратузилмасини шакллантириш учун умумий кулай иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратишдир, ҳамда жамиятда барқарорликнинг қарор топишига анча таъсир этади.

¹ Изох: Хусусий тадбиркорлик тушунчаси сарлавҳада ихчамлаштирилиб, кичик бизнес тушунчаси таркибига киритилди. Чунки бизнес кенг маънодаги тушунча, тадбиркорлик эса торроқ маънога эга бўлиб, бизнеснинг таркибига киради.

1-чизма. Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш Давлат дастури¹



¹ Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Т.: Шарқ, 2002. 78 бет.

Кичик тадбиркорлик бозор муносабатлари тизимида ишлаб чиқариш хўжалик ва молиявий – иқтисодий фаолиятининг учун иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган деярли барча қонун ҳужжатларида давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб – қувватлаш ва унга қўмаклашишга доир мажбуриятлари бевосита ёки билвосита тарзда берилган. Шу мақсадларда махсус ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 15 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини, Президентнинг қарорларини киритиш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан эълон қилинган “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹, “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш орасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори юртимизда иқтисодиётни эркинлашуви ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгрок қулоч ёйишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Уларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш, молиявий, солиқ имтиёзлари ва устунликлари кўзда тутилади. Хусусан, давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ава қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларга эришиш учун тенг имкониятларни таъминлайди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлаштиришнинг асосий йўналишлари меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инфраструктурасини шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун шароит яратиш ҳисобланади. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устун йўналишлари қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, рақоботбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган кичик ва хусусий корхоналарни тузишга қўмаклашиш ҳисобланади. Нархларни белгилаш, солиққа тортиш, кредитлаш, суғурта соҳаларида, ташки иқтисодий фаолиятда, буюртмаларни жойлаштириш кабиларда давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир турли тадбирлар кўрилади ва улар амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилади.


Бу тадбирлар рақобатнинг ривожланишига, иқтисодиётнинг зиёналигини бартараф қилишга, истеъмол бозорини мол билан тўлдиришга, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, бандлик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берувчи иқтисодий ислохотнинг муҳим йўналишлари бўлиб қолиши лозим.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қуйидаги шаклларда (2-чизма) амалга оширилади:

- қонуний-ҳуқуқий таъминот;
- ташкилий таъминот;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун моддий-техникавий шароит яратиш;
- молиявий-кредит таъминот;
- тадбиркорликни суғурта билан таъминлаш;

¹ Қаранг: “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларини амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 14 июн. 2005 йил.

2-чизма. Ўзбекистонда КБХТ субъектларини Давлат томонидан қўллаб – қувватлаш шакллари¹



¹ Манба: Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Т.: Шарқ, 2002. 194 бет.

- тадбиркорлик шуъбаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш;
- ахборот-маслаҳат таъминоти;

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг марказий ва маҳаллий органлари ўртасидаги ваколатларни аниқ белгилаб олишдан иборат. Марказий бошқариш органлари кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш билан шуғулланади, маҳаллий ижор органлари эса ўз ҳудудларида регионал (муниципал) дастурларни ишлаб чиқади.

Кичик бизнесни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини шакллантириш халқаро тажрибасини ўрганиш асосида унинг қуйидаги *таркибий қисмларини ажратиш кўрсатиши мумкин*:

1. Молиявий қўллаб – қувватлаш; у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сармоя тўплашга кўмаклашиш;
- пасайтирилган фойзли ставкада имтиёзли кредитлар бериш;
- махсус дастур доирасида ёрдам маблағи бериш (субсидия);
- кредитларнинг давлат томонидан кафолатланиши.

2. Солиқ имтиёзлари бериш:

- фирмаларнинг фойдасидан олинadиган солиқдан янги ускуналарга, қурилишга сарфланадиган сармоя улуши миқдорида чегирма(камайтириш);
- фойда солиғидан илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланадиган харажат улуши миқдорида чегирма;
- фойда ҳисобидан солиққа тортилмайдиган махсус мақсадлардаги фондларни шакллантириш;
- фойдага пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича солиқ солиш.

3. Баъзи мамлакатларда кичик корхоналарни ривожлантиришда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашнинг ролини ошириш мақсадида жадаллаштирилган амортизация усули қўлланилади.

4. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш соҳасида кўмаклашиш, техникавий ва бошқарув соҳасида кўмаклашиш, техникавий ва бошқарув ёрдами кўрсатиш тадбирлари тизими. АҚШ, Германия, Францияда бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий-тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ташкилотларидан янги техника ва тугалланган ишланмаларни кичик корхоналарга беришни ташкил қилиш (АҚШда 1986 йилда технологияларни бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинган);
- патент-лицензия сиёсатини ўтказиш;
- бозор тадқиқотларига ёрдам бериш;
- ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- хом ашё, моддий-техника ресурсларининг кафолатлашга ажратилишини ташкил этиш;
- майда ва хусусий фирмаларни ташкил қилишга доир инкубаторлар кенг тармоғини шакллантириш.

5. Кичик корхоналарнинг давлат буюртмаларини амалга оширишда иштирок этиши:

- давлат битимлар тузиш тизимини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини тайёрлашда;
- корхоналарнинг барча турлари учун рақобатнинг тенг шароитини яратишда;
- иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларга мослашишда кичик бизнесга ёрдам кўрсатишда.

6. Йирик фирмалар билан битимлар тузишга кўмаклашиш.

Кўп мамлакатларнинг ҳукуматлари майда ва йирик- бизнес бир-бирини инкор қилиши эмас, балки бир-бирини тўлдириши учун барча тадбирларни кўради. Бунинг натижасида йирик корпорациялар ўз ички тузилишини ташкил қилганда борган сари йириклашиш йўлидан кочиб, бир қатор ишлаб чиқаришлар ва вазифаларни кичик корхоналарга бериб, кўпинча уларнинг устидан бирон бир шаклда назорат қилишини ўзида сақлаб қолмоқда.

1.3. Кичик бизнесни давлат томонидан бошқариш бўйича хорижий тажрибалар

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнеснинг¹ жаҳон мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Агар бизнинг республикамизда бу соҳага бўлган эътибор асосан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаларига боғлиқ ҳолда кенг авж олган бўлса, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор аҳамиятларини тан олиш ҳамда уларни ривожлантириш учун чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш анча илгари бошланган эди. Масалан, АҚШда 1953 йили «Кичик бизнес тўғрисида» Қонун қабул қилиниб, унда: «Мамлакатнинг ҳавфсизлиги ва фаровонлиги кичик ва ўрта бизнеснинг мавжуд ва салоҳиятли имкониятларини ривожлантириш ва рағбатлантириш-сиз таминланиши мумкин эмас» - деб таъкидланган эди².

Умуман, кўпчилик хориж мамлакатлари иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни ва ҳиссаси жуда салмоқлидир. Бу биринчи навбатда кичик ва ўрта корхоналар сони, унда банд бўлган ходимлар сони ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ҳиссаси билан аниқланди.

Францияда майда ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари бир-биридан тафовутланиб, майда бизнес ҳиссасига барча корхоналарнинг 90,3 фоиз ва иш билан банд ходимларнинг 20 фоиз, кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига эса барча иш билан банд ходимларнинг 47,9 фоиз тўғри келади. Саноатда янги корхоналарнинг 97 фоиз кичик ва ўрта бизнесга тўғри келади. Кичик ва ўрта бизнеснинг роли қурилишда, савдода, меҳмонхона хўжалиги ва умумий овқатланишда, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида айниқса юқоридир. Кичик ва ўрта бизнеснинг рўйхатдаги ҳар иккинчи ходими савдода ишлайди. Инженер-қурилиш ишлари соҳасида кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига товар айланмасининг ярми тўғри келади. Голландияда кичик ва ўрта корхоналар соҳаси барча хусусий корхоналарнинг 98,5 фоизини қамраб олади, бундан 90 фоизи кичик корхоналар сирасига киради. Кичик ва ўрта корхоналарда хусусий секторда банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандликнинг нисбатан юқори даражаси бўйича Нидерландия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида етакчи ўринни тутди.

АҚШда кейинги йилларда кичик корхоналар (сотишдан тушган маблағ миқдори 19 минг долларгача бўлган корхоналар) сони икки барабар кўпайди ва 10 млн.га етди, барча корхоналарнинг 95 фоизи кичик корхоналардир. Кичик бизнес ялпи миллий маҳсулот ўсишининг ярмини ташкил этади. Агар 80-йилларда 50 та йирик корпорация 3,5 млн. иш ўрнини қисқартирган бўлса, кичик бизнес соҳасида 20 млн. янги иш ўрни ташкил этилган эди. 1988-1990 йилларда янги иш жойларининг ўсиши тўласича кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Бир қатор экспертларнинг фикрича, кичик фирмалар иш фаоллигининг пасайиши мамлакатда иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши мумкин³.

Буюк Британиядаги фирмаларнинг деярли 96 фоизи кичик бизнес соҳасига тааллуқли ҳисобланади. Уларга барча ишчи кучининг 25 фоизи ҳамда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг тахминан 20 фоизи тўғри келади.

Германияда 2 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг қарийиб 75 фоизи машғулдир. Бу корхоналар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 50 фоизини етказиб бермоқда⁴.

¹ Изох: Хорижий давлатларнинг аксариятида кичик бизнес секторида ўрта корхоналар мақомидаги субъектлар мавжуд. Улар алоҳида мавкега эга ва улар фаолият кўрсатадилар. Ўзбекистон шароитида ўрта корхоналар 2003 йилгача амал қилган, сўнг кичик бизнес таркибига киритилган.

² Çüâêrê Í.Ã. Государство и малýй бизнес США. Ñîðèàèüíîîëèðè-âñêèè âñîâèð. -Ì.: Íàòèà, 2007. 26 стр.

³ Ááàðððîâ Â. Малýй и средний бизнес в Кореë. // Частная собственность. №24 (212), 1999. 8 стр.

⁴ Ðóçîâðîâ Â. Áîëüðîé üèîîîèèâ áâç îàèîé íâ íâîèèèü. // ×àñòîâý ñîâîðàâîíîñü. 19 (93), 1997. 12 ððð.

Умуман олганда, кичик ва ўрта саноат корхоналари халқаро федерациясининг ҳисоб-китобларига кўра кичик корхоналар ҳиссасига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тахминан 50 фоизи, капитал қўйилмаларнинг эса 30 фоизидан кўпроғи тўғри келади. Кичик бизнес ҳисобига АҚШ, Германия, Англия, Италия, Японияда иш ўринларининг 2/3 қисми яратилади.

3-жадвалдан кўриш мумкинки, одатда, барча иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи майда ва кичик корхоналарда ишлайдилар. Кичик корхоналарнинг инвестициялар, қўшилган қиймат ва оборотнинг умумий ҳажмидаги улуши 20 дан то 60 фоизгачани ташкил этади, яъни жуда салмоқлидир¹.

Хорижий давлатлар иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес ҳиссасининг бу қадар салмоқли эканлиги асло унинг ўз ривожланишида ҳеч қандай тўсиқ ва муаммолар йўқлигини билдирмайди. Бу соҳанинг ривожланишида ўзига ҳос муаммолар мавжуд. Жумладан:

3-жадвал. Турли ҳажмдаги корхоналар бўйича иш билан банд бўлганларнинг тақсимланиши²
(иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонига кўра фоизда)

Давлатлар	Корхоналарнинг ҳажми				
	Жами корхоналар	Шу жумладан			
		ўта майда	кичик	ўрта	йирик
Австрия	100,0	33,6	27,9	23,1	15,4
АҚШ	100,0	26,1	28,4	24,0	21,5
Бельгия	100,0	22,1	22,6	26,0	29,0
Буюк Британия	100,0	26,1	22,6	26,1	25,2
Италия	100,0	43,4	30,4	14,2	12,1
Франция	100,0	32,1	28,0	23,4	16,5
Япония	100,0	49,4	27,7	14,8	8,2

– кўпинча ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш учун талаб қилинувчи хусусий маблағлар ҳажмининг етарли бўлмаслиги;

– бундай корхоналарнинг бозор конъюнктурасининг ўзгаришига ўта сезгирлиги ва боғлиқлиги;

– ўта қаттиқ рақобат шароитида фаолият кўрсатишнинг зарурлиги;

– кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг айниқса фаолиятнинг янги соҳаларидаги фирмаларнинг доимий равишда юқори таваккалчилик шароитига амал қилиши;

– ташкил топиш давридаги қатор тўсиқ ҳамда қийинчиликлар ва хоказо.

Шунга кўра, деярли барча мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш, фаолият учун қулай шароит яратиш ҳамда турли тўсиқлар таъсирини чеклаб туриш мақсадида давлатнинг махсус сиёсати ишлаб чиқилган. Жумладан, Европа Иттифоқи доирасидаги кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан давлат сиёсатининг асосий мақсадларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

– кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши учун қулай бозор шароитларини яратиш;

¹ Аёеііâ Ä. Î. Ðååеііåеüíàÿ ñеñòàìà îîååðæеèè ìåеіâî îðååîðеіеіà-òåеüñòåå â Ðîññеè: Äåòîðååð. åеññ. ä.ý.í. (08.00.01.). - Î.: 1994. 14 ñòð.

² Манба: Аёеііâ Ä. Î. Ðååеііåеüíàÿ ñеñòàìà îîååðæеèè ìåеіâî îðååîðеіеіà-òåеüñòåå â Ðîññеè: Äåòîðååð. åеññ. ä.ý.í. (08.00.01.). - Î.: 1994. 14 ñòð

- бозор муносабатларида томонларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилигини қўллаб-қувватлаш;
- рақобат муҳитини ҳамда иқтисодий фаолликнинг ҳаракатчанлигини таъминлаш;
- янги иш ўринларини, айниқса ишсизлик муаммоси кескинлашган ҳудудларда барпо этиш;
- рақобатнинг кескинлашуви натижасида келиб чиқувчи ижтимоий оқибатларни, сарф-ҳаражатларни камайтириш.

4-жадвал. Кичик бизнес корхоналарини давлат томонидан бошқаришнинг асосий воситалари ва уларни ЕИ мамлакатларининг давлат сиёсатида қўллашнинг йўналишлари¹

Давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш воситалари	Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари	Инвестициялар	Молия ва капитал	Экспортни ривожлантириш	Субсидиялар	Укитиш	Ривожлантириш	Иш жойларини ташкил этиш
Бевосита субсидиялар ёки грантлар билан тартибга солиш	1	2	4	1	2	2	2	4
Дотациялар билан тартибга солиш	3	1	1	2	3		4	5
Қарзлар учун кафолат бериш ёки уларда қатнашиш	4	3	2	6			3	
Солиқ имтиёзлари орқали тартибга солиш	5	4	3	5		5		
Хизмат кўрсатиш орқали тартибга солиш	2	5		1	1	1	1	3
Экспорт бўйича кафолатлар				4				
Ўз бизнесини бошловчилар учун субсидия бериш	4				1			
Хусусий шахсларга бериладиган субсидиялар	6							
Қурилишни субсидиялаш, электростанцияларни ва коммуникацияларни яратиш, ерларни ўзлаштириш орқали тартибга солиш			5	8				

Шу мақсадларга мувофиқ ҳолда Европа Иттифоқи мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесга нисбатан сиёсатнинг асосий тамойиллари белгиланади. Бу давлатларда кичик ва ўрта корхоналарни тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг тўққизта муҳим йўналиши

¹ Манба: The European Observatory for SME Research. Second Annual Report.- 1994. ENSR. European Network for SME Research. 1994, April.

бўйича асосий воситалари 4-жадвалда келтирилган («1» даража мазкур воситани нисбатан кўпроқ қўллаш мумкинлигини англатади).

Голландияда кичик ва ўрта бизнесга нисбатан давлат сиёсатидаги асосий ҳолат бўлиб шундай қоида ҳисобланадики, унга кўра тадбиркор ўз фаолияти учун тўла жавобгар бўлади, ҳукумат эса ёрдамчи ролни ўйнайди.

Францияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади бандликни ошириш ва рақобатбардошликни ўстиришдан иборат. У ўз ичига бевосита тартибга солишни, иш муҳитини яхшилашни, билвосита ёрдамнинг турли кўринишларини олади.

Германия кичик ва майда корхоналарга нисбатан юргизаётган давлат сиёсати уларнинг рақобатбардошлигини ошириш тадбирларига, турли солиқ-молиявий имтиёзларга, шунингдек, уларни иқтисодиётда бўлиб ўтаётган таркибий ўзгаришларга мослашишга асосланади. Бунда давлат йирик корхоналар билан рақобатлашиш учун тенг шароитлар яратиб беришга интилади.

АҚШ ҳукумати сиёсатида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаттоки, Америка иқтисодиётининг ривожланишида унинг хизматларини эътироф этиш сифатида махсус умуммиллий кичик бизнес кунлари ўтказилади. Кичик тадбиркорликнинг ривожланишига давлат томонидан ёндашувининг асоси - солиқларнинг паст даражаси ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги тўла эркинлигидир. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш мақсадида ҳукумат томонидан ҳар йили 7 млрд. АҚШ доллари атрофида маблағ ажратилади. Сўнгги йилларда йирик корпорациялар томонидан айнан кичик ва ўрта корхоналарда самарали бажарилувчи иш ва хизматларнинг баъзи турларини уларга топшириш бўйича сиёсатнинг қўлланиши мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг роли ва аҳамиятининг ошиб боришига олиб келади.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнес фаолиятида ҳал қилувчи омил - иш кучи, унинг маҳорат ва билим даражаси, ишга ижодий ёндашувини тадбиркорлик ҳислатларини ўзида мужассамлаштира олиш қобилиятлари ҳисобланади. Мамлакатдаги аҳолининг ишбилармонлик даражасини ўстиришни рағбатлантириш давлатнинг кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш тизимидаги муҳим йўналишлардан биридир. Бироқ, турли мамлакатларда бу муаммони ҳал этишга турлича ёндашилади. Масалан, Францияда касбий таълим беришнинг такомиллашган тизими мавжуд. Корхоналар иш ҳақи фондидан 1,5 фоизни хизматларнинг касбий тайёргарлиги учун сарфлашга мажбурдирлар. Таълим олиш учун сарф - ҳаражатларнинг қўпайиши ҳолларида солиқ имтиёзлари амал қилади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодиётда рақобат муҳитининг шаклланишидаги роллари тўла амалга оширилишлари ҳамда унда сезиларли таъсир ўтказа олишлари учун маълум шарт-шароитларга эга бўлишлари лозим. Жумладан, бу соҳанинг самарали фаолият кўрсатишида унга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси масалаларининг аҳамияти бекиёсдир. Бу борада кўплаб хорижий мамлакатларда жумладан, АҚШда ҳам анча тараққий этган тизим амал қилади: кичик ва ўрта бизнесга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш кўплаб ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга ошириладики, улар қаторига кичик ва ўрта бизнес манфаатларини илгари сурувчи кичик бизнес уюшмаси; 40 дан ортиқ миллий ташқи савдо уюшмалари; 3,5 мингдан ортиқ миллий савдо ташкилотлари, 40 мингдан ортиқ маҳаллий ташкилотлар, клублар ва гуруҳлар киради.

Японияда 500 та маҳаллий савдо-саноат палатаси ҳамда уларнинг филиаллари кичик ва ўрта бизнесга турли кўринишдаги молиявий, маслаҳат бериш касбий жиҳатдан тайёрлаш ёрдамларини кўрсатадилар. Давлат кичик ва ўрта бизнес фаолиятини Кичик ва ўрта бизнес молиявий корпорацияси, Миллий молиявий корпорация ва «Соко-Чукин Банки» орқали бюджетда жамғарилувчи кичик корхоналарни қўллаб - қувватлашнинг махсус фонди ҳамда халқ фонди орқали молиялаштиради.

Юқорида баён этилган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида хорижий тажрибалар шунини кўрсатадики, давлатнинг кенг миқёсдаги ҳар томонлама тартибга солиш тизимисиз бу соҳанинг самарали амал қилишига ўз имкониятларини намоён этилишига эришиб бўлмайди:

- бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда кичик ва ўрта бизнес самарали ривожланишини давлатнинг иштирокисиз таъминлаб бўлмайди;
- хорижий мамлакатлар тажрибаси давлат томонидан тартибга солишда ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий-иқтисодий тадбирларни камраб олиши зарурлигини кўрсатди;
- бу тадбирлар ва уларни амалга ошириш воситалари мамлакатнинг миллий хусусиятлари, иқтисодиётнинг ҳолати, вужудга келган ижтимоий-руҳий вазият, иқтисодий маданият даражаси ва бошқа иқтисодий муҳит ҳамда сифат омиллари ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

Шунга қўра, ҳар бир мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам, иқтисодиётнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиши ва доимий равишда такомиллашиб бориши керак.

2-боб. Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқарилиши ва ундаги муаммолар

2.1. Учқўрғон тумани иқтисодиётининг ривожланиши ва хусусий секторнинг бошқарилиши

Учқўрғон тумани Наманган вилоятига қарашли туманлардан бири бўлиб, иқтисодиёти жиҳатидан барқарор ривожланиб бораётган туманлар қаторига киради. Учқўрғон тумани – Наманган вилоятидаги йирик қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган туманлардан бири бўлиб¹, бу туман Фарғона водийсидаги йирик ирригация каналлари (Катта Фарғона канали, Катта Андижон канали, Шимолий Фарғона канали, Катта Наманган канали) бошланган ҳудуд ҳисобланади.

Учқўрғон тумани вилоятдаги жиҳатдан тараққий этган туманлардан биридир. Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта, дон, гўшт, сут, тухум, мева, узум, пилла ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан олдинги ўринларда туриши диққатга сазовордир.

Учқўрғон тумани 1935 йил 28 июлда ташкил этилган. 1960-1970 йиллар ва 1988-1989 йилларда Норин тумани билан қўшилган. Географик жиҳатдан Наманган вилоятининг шарқида жойлашган бўлиб, шимол ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг Аҳси, Оқсув ва Новкент, жанубдан Норин, ғарбдан Уйчи туманлари, жануби-шарқдан Андижон вилоятининг Избоскан тумани билан чегарадош. Учқўрғон туманининг Қирғизистон билан чегарасида Марказий Осиёдаги йирик транспорт артерияси ҳисобланган Ўш-Бишкек автомагистрალი ўтган.

5-жадвал. Наманган вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши²

№	Шаҳар, туманлар	Ўртача йиллик аҳоли сони, минг киши	шу жумлада н:		Хўжаликлар (ойалар) сони, минг та	шу жумладан:		Худуд майдони, минг кв. км.	Аҳоли зичлиги, 1 км ² /киши	Маъмурий-ҳудудий бирликлар сони							
			шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ			вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туманлар	шаҳар туманлари	туманга бўйсунувчи шаҳарлар	шаҳар посёлкалари	қишлоқ фуқаролик йиғинлари	қишлоқ аҳоли пунктлари	ш.ж.: аҳоли яшamayдиган	маҳаллалар сони
9	Учқўрғон	141,2	56,8	84,4	36400	14635	21765	0,3	475		1	1	4	8	43		62

¹ Изоҳ: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича вилоятда Наманган шаҳри ва Поп туманларидан кейин 3-ўринда туради.

² Жавдал муаллиф томонидан Учқўрғон тумани статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Туман Фарғона водийсидаги муъатадил континентал хаво муассасанинг жанубий қисмига ёки куруқ субтропик хаво муассасанинг жанубий қисми чегараларига жойлашган.

Майдони 0,3 минг км² ёки вилоят ҳудудининг 4,0% ташкил қилади. Аҳолиси 141,2 минг киши (вилоят аҳолисининг 6,36%) бўлиб, аҳолиси зич жойлашганлиги жиҳатдан вилоят туманлари ўртасида 5-ўринда туради.

Учкўрғон туманида 1 та шаҳар (Учкўрғон), 4 шаҳар посёлкалари, 8 та қишлоқ фуқоролар йиғини (Бахт, Янгиобод, Янгиер, Яшиқ, Қайки, Қўғай, Қўғай-Ўлмас, Ҳамза), 43 та қишлоқ аҳоли пунктлари, 62 та маҳалла бор. Туман маркази – Учкўрғон шаҳри.

Учкурғон туманининг ҳозирги ҳудуди Наманган вилояти Фарғона водийсининг кадимий аҳоли жойлашган минтақаларидан биридир. Аҳолининг ўтроқ ҳаёт кечириши ва дастлабки суғорма деҳқончилик тўғрисидаги маълумотлар милоддан аввалги 6-4 асрларга бориб тақалади.

Туман асосан текисликлардан иборат бўлиб, денгиз сатхидан ўртача мутлақ баландлиги 500 метрни, тупроқлари асосан бўз тупроқни ташкил этади.

Туман ҳудудидан фойдали казилмалар деярли йўқ. Қурилиш материалларидан шағал ва қум хом ашёси бор. Туманнинг шимолий ғарбидан оқиб ўтувчи Норин дарёсининг ўртача чуқурлиги 15 метр, кенлиги 500 метрни ташкил қилади.

Норин дарёсидан ташқари катта Фарғона канали, Октябрь канали, Катта Андижон канали, Хақулбод канали, Дамариқ, Ингичка, Чап қирғоқ, Бирлашган каналаридан экинларини суғоришда фойдаланилади.

Учкўрғон туманида ўртача йиллик аҳоли сони 141,2 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 56,8 нафари шаҳар жойларида ва қолган 84,4 нафари қишлоқ жойларида яшайдилар. Бугунги кунда қишлоқ жойларида аҳоли зичлиги юқори бўлиб, бу Республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Бу таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак, Учкўрғон туманининг қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари кўплиги аниқ бўлади.

6-жадвал. Аҳоли пунктлари¹

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Шаҳар аҳоли пунктлари сони	бирлик	1	1	1
Шаҳарчалар сони (шаҳар типидаги посёлка)	бирлик	4	4	4
Қишлоқ аҳоли пунктлари сони	бирлик	43	43	43
Қишлоқ фуқаролар йиғини сони	бирлик	8	8	8
Улардан маҳалла йиғинлари сон	бирлик	62	63	65
Шундан маош олиб ишлаётган маҳалла кўмиталар раислари сон	бирлик	62	63	65

Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларни меҳнатда бандлигини таъминлаш борасида эса кичик бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорликни иқтисодийётнинг турли соҳаларида жорий этиш зарурлиги бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳозирги кунда Учкўрғон туманида хўжаликлар сони 36400 тани

¹ Жавдал муаллиф томонидан Учкўрғон тумани паспорти маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

ташкил этиб, уларнинг ҳар бирида меҳнат ресурслари мавжуд. Хўжалик (оилалар)нинг 14635 таси шаҳар жойларига ва 21765 таси қишлоқ жойларига тўғри келади. Кўриниб турибдики, хўжаликларнинг ҳам асосий қисми қишлоқ жойларида жойлашган.

Учқўрғон туманида аҳоли зичлиги 1 км кв жойга 475 киши тўғри келади. Бу эса Республикадаги кўрсаткичдан деярли 8 баробарга кўпдир.

Туманда Наманган вилоятига бўйсунувчи шаҳар йўқ. Аммо туманга бўйсунувчи шаҳар Учқўрғон шаҳри ҳисобланиб, бу шу тумanning маркази ҳисобланади. Учқўрғон туманида 4 та шаҳар посёлкалари мавжуд. Қишлоқ фуқаролик йиғинлари сони 8 та бўлиб, маҳалалардан иборат ўз-ўзини бошқариш ташкил этилган. Учқўрғон туманида 43 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд бўлиб, бу пунктлар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда туманда аҳоли яшамайдиган аҳоли пунктлари йўқ. Туманда 62 та маҳаллар мавжуд бўлиб, хўжаликларнинг жойлаштирилиши шу маҳалларда ташкил топган.

Туманда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш жараёни иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали таъминланмоқда. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, уни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш имконини берди.

Тумanning макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этганимизда таҳлил этилаётган ҳар уч йилдаги иқтисодий кўрсаткичларнинг доимий ўсиш тенденциясининг гувоҳи бўламиз.

Истеъмол моллари.млн.сўм. туманда истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2008 йилда 36428,4 млн сўмни, 2009 йилда 43709,5 млн сўмни 2010 йилда 69084,3 млн сўмни ташкил этган. 2009 йилга нисбатан истеъмол моллари ишлаб чиқариш 21,9 фоизга ортган. Туман олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам доимий ўсиш суръатларига эга бўлиб 2010 йилда жами 27088,9 млн сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилган. Бу ўтган 2009 йилга нисбатан 27,2 фоизга кўп демакдир. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хомашё билан таъмин этиш билан бир вақтда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи деҳқон ва қишлоқ аҳолиси учун иш жойи ва ҳаёт кечириши учун макон сифатида, экологик мувозанатни сақлаш ва жамият аъзолари учун рекреация ҳудуди сифатида ҳам хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигидаги ҳар қандай ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигидаги барқарорлик мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар кўп укладли иқтисодиётни ташкил этишга имконият яратди. Қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий қисми нодавлат секторига ўтказилди. Ислохотлар давомида турли хўжалик юритиш шакллари синаб кўрилди ва фермер хўжаликлари истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида танлаб олинди.

Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам ижобий силжишларни кузатамиз жумладан бу кўрсаткич 2010 йилда 93258 млн сўмни ташкил этмоқда. Бу олдинги йилга нисбатан 19 фоизга кўп. Демак туман аграр секторни ривожлантириш масаласи ижобий тарзда ҳал этилмоқда.

7-жадвал. Макроиктисодий кўрсаткичлар¹
(қиймати амалдаги нархларда, фоизи солиштирма нархларда)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил 6 ойлик
Саноат ишлаб чиқариш	млн.сўм	75671,2	104844,2	61000,0
<i>Ўсиш суръати</i>	%	118,7	121,9	112,3
Истеъмол моллари	млн.сўм	43709,5	69084,3	43000,0
<i>Ўсиш суръати</i>	%	107,4	127,1	116,3
Капитал қўйилмалар	млн.сўм	23670,8	27088,9	16947,9
<i>Ўсиш суръати</i>	%	133,9	102,6	121,2
Пудрат ишлари	млн.сўм	12754,7	16135,1	13400,0
<i>Ўсиш суръати</i>	%	116,3	119,0	134,8
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	74902,7	93158,4	46231,0
<i>Ўсиш суръати</i>	%	102,2	105,0	103,4
Чакана савдо	млн.сўм	53237,4	65582,6	35944,3
<i>Ўсиш суръати</i>	%	100,6	101,5	119,0
Хизматлар жами	млн.сўм	35462,6	54370,0	29031,4
<i>Ўсиш суръати</i>	%	118,4	108,8	113,2
Пуллик хизмат	млн.сўм	9774,7	13142,0	7927,8
<i>Ўсиш суръати</i>	%	123,0	119,3	116,0
Экспорт	минг.долл	4423,7	4288,7	135,4
<i>Ўсиш суръати</i>	%	120,8	96,4	100,0
Импорт	минг.долл	1307,2	1561,6	677,5
<i>Ўсиш суръати</i>	%	67,4	119,4	4 марта
Жами капитал қўйилмалар	млн.сўм	23670,8	27088,9	16947,9
<i>Шу жумладан</i>				
Марказлаштирилган инвестициялар	млн.сўм	3904,3	791,8	755,7
- бюджет маблағлари	млн.сўм	2724,4	783,9	755,7
- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	млн.сўм	1179,9	7,9	-
- ҳукумат кафолати остидаги ҳорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	-	-	-
Марказлашмаган инвестициялар	млн.сўм	19766,5	26297,1	16192,2
- корхоналарнинг ўз маблағлари	млн.сўм	6783,8	4472,6	1236,3
- тижорат банклари кредитлари	млн.сўм	3690,0	9063,1	212,75
- тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	-	-	-
- аҳоли маблағлари	млн.сўм	9292,7	12761,4	14743,1
- бошқалар	млн.сўм	-	-	-
Инвестицион лойиҳалар сони		4	11	5
Қиймати	млрд.сўм	0,02	1,1	0,023

¹ Жавдал муаллиф томонидан Учкўрғон тумани статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

2.2. Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш

Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш туфайли иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожланди. Ҳозирги кунда иқтисодиёт тармоқларининг барчасида кичик бизнеснинг улуши мавжуд. Айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик бизнеснинг улуши юқори бўлиб, 99,8 фоизни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча жараёнларда кичик бизнеснинг бевосита иштирокини кўриш мумкин.

8-жадвал. Учқўрғон тумани иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнеснинг улуши¹

	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот			
2	Саноат маҳсулотлари	9,9	12,3	71,7
	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	99,0	99,3	99,8
	Қурилиш ишлари	71,4	94,2	99,2
3	Чакана савдо айланмаси	53,6	66,7	70,8
4	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	39,5	42,8	43,7
5	Жами хизматлар	54,6	67,9	49,3
6	Юк ташиш	45,8	26,2	54,0
	Йўловчи ташиш	82,6	88,9	90,1

Учқўрғон туманида қишлоқ хўжалиги жуда яхши ривожланган. 2009 йилда бу тармоқда кичик бизнеснинг улуши 99,0 фоизни ташкил этган эди. 2010 йилда эса 0,3 пунктга ошиб, 99,3 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунда энг ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Туман деҳқон ва фермерлари ҳам катта тажрибага эгадирлар. Улар тадбиркорона ёндашувлар асосида ўз меҳнатларини ташкил этишмоқда.

Ҳукумат томонидан қабул қилинган Фармонларда белгиланган вазифалар ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476 сонли ва «Қишлоқ хўжалигида ижора муносабатларини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 5 ноябрдаги 486 – сонли қарорлари муҳим рол ўйнайди. Фермер

¹ Жадвал муаллиф томонидан Учқўрғон тумани статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

хўжаликлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этиш бўйича сезиларли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фермер хўжаликларини текшириш шартлари ҳам тартибга солинмоқда. Кейинги йиллар тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, амалга оширилган чора – тадбирлар натижасида мамалакатимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари ўрни сезиларли згарди ва уларнинг фаолият юритиши ширкат хўжаликларига нисбатан самарали эканлиги исботланди.

Учқўрғон тумани иқтисодиётининг қурилиш тармоғи ҳам анча ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 99,2 фоизни ташкил этмоқда. Ўтиборлиси шундаки, 2009 йилда қўрилиш тармоғида кичик бизнеснинг улуши 71,4 фоизни ташкил этган эди. Бу кўрсаткич 2010 йилда бирдан 22,8 пунктга қўтарилди ва 94,2 фоизни ташкил этди.

Учқўрғон туманида ободонлаштириш ишларининг кучайганлиги ва қишлоқ архитектурасидаги замонавий ўзгаришларни амалга оширилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам фаол ҳаракатга келтирди. Қурилиш соҳасидаги тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан амалга оширилган қўрилишлар туман кўркига кўрк қўшиб, жамиятнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. 2011 йилга келиб қурилиш тармоғида кичик бизнеснинг улуши 99,2 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, айниқса, кичик бизнес – савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг фаолият соҳасини ва ихтисослашувини тез ўзгартира олиш туфайли ва фан – техника янгиликларини фаол ўзлаштириш имконига эга. Кичик бизнес рақобат муҳити ривожланишига ёрдам беради ва шу билан иқтисодиётнинг монополлашув даражасини камайтиради ҳамда мулкдорларни шакллантиришнинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳажмининг кичиклиги унинг оммовийлигига сабаб бўлади ва шунинг учун ҳам янги ишчи ўринларини яратишда тадбиркорликнинг ушбу шакли ҳаётда, амалиётда қўл келади.

Бугунги кунда Учқўрғон туманида хизмат кўрсатиш ва савдо тармоғи ҳам юксак даражада ривожланиб бормоқда. 2009 йилда туман чакана савдо айланмасида кичик бизнеснинг улуши 53,6 фоизни ташкил этган. 2010 йилда эса 66,7 фоизни ва 2011 йилда эса 70,8 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, туманнинг чакана савдо айланмасида кичик бизнеснинг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич айниқса, 2010 йилда сезиларли ошди. Мамлакатдан ташқарида иқтисодий вазият оғир бўлиб турган бир пайтда Учқўрғон туманида чакана савдо айланмасининг ўсиб бориши бу муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат, ижтимоий соҳалар корхоналарини давлатникидан хусусийга айлантириш жараёни анча қийин ўтди. Бу ерда аввал хусусийлаштириш йириклаштирилган ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича бажарилди, уларнинг заминида очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари тузилди.

Аммо ҳаёт бу жамиятларни кичиклаштиришни тақозо қилади, шу мақсадда унга қирувчи айрим таркибий бирликларга катта мустақиллик берилди. Натижада Ўзбексавдо, Ўзмаишийиттифок, Ўзбекбирлашув каби тармоқларга қалрашли ўнлаб, ҳаттоки юзлаб хусусий корхоналар ташкил этилди.

Учқўрғон туманида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоғида ҳам талайгина ишлар амалга оширилади. Бу борада туман ҳокимлиги томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилган бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Агар 2009 йилда Учқўрғон тумани иқтисодиётининг аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган кичик бизнес улуши 39,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 42,8 фоизни ташкил этди. Худди шу кўрсаткич 2011 йилда 43,7 фоизга тенг бўлди.

Эътиборлиси шундаки, сўнгги йилда йилдан йилга ўсиб боровчи тенденция бир оз сусайган булсада, аммо ўсиш суръати сакланиб қолган. Учқўрғон туманида жами кўрсатилган хизматлар соҳасида кичик бизнеснинг улуши 2009 йилда 54,6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич сўнгги уч йилда айниқса 2010 йил кўрсаткичларида энг юқори бўлди. Масалан, ўша йилда 67,9 фоизни ташкил этди. 2011 йилга келиб эса 49,3 фоизни ташкил этган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жами хизматлар кўрсатишда кичик бизнеснинг улуши бир оз камайган. аммо бу вақтинчалик ҳолат бўлиб, бугунги кунда бу соҳада талайгина тадбиркорлар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Дарҳақиқат, ўз мустақиллигимизни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, Учқўрғон туманида кичик бизнес ва тадбиркорлик руҳини қарор топтириш, иқтисодий тараққиётининг муҳим омилларидан бири сифатида унинг устувор ривожланишини ҳар томонлама қўллаб – қувватлашга ва шу асосда одамларда мулкдорлик туйғусини уйғотишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Учқўрғон туманида нисбатан қисқа вақт ичида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни юритиш учун зарар бўлган ҳудудий – меъёрий асос яратилди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида»ги ва шу каби бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб, уни қўллаб – қувватлаш ҳамда ҳимоялашга кафолат беради.

Жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида тадбиркорлик, айниқса, кичик ва хусусий бизнес шакллариининг фаолият юритиши учун қулай шарт – шароит яратиш, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни енгиллаштириш, юқори ликвидли маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларни очиқ биржа савдоларида сотишни ташкил этишга қаратилган чора – тадбирлар, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сертификатлашга доир қарорлар ушбу йўналишда кенг имкониятлар очиб берди.

2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши кузатилди. Бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу даврида 8,5 фоизга тенг эди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 29,1 фоизни 2011йилда эса 30,9 фоизни ташкил этди.

Ушбу ютуқлар кичик бизнес ва фермерликни ҳуқуқий, молиявий ва моддий техникавий қўллаб – қувватлаш ҳамда ахборот ва малакали кадрлар билан таъминлаш борасида мамалакатимизда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги чора – тадбирлар натижасидир. Бугунга келиб Учқўрғонда бозор инфратузилмаси ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жумладан: тижорат банклари, кредит уюшмалари, бандликка кўмаклашиш фондлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб – қувватлаш фонди лизинг ташкилотлари, суғурта агентликлари филиаллари кичик бизнес субъектларига молиявий маблағ ажратмоқда.

Тадбиркорларни моддий хом-ашё ресурслари билан таъминлашнинг бозор механизмлари ҳам фаол тадбиқ этилмоқда.

Тадбиркорлик учун илғор чет эл амалиётида мавжуд бўлгани каби ҳисобот топширишнинг самарали тартиб қоидалари ва механизмлари жорий этилади. Тадбиркорлар солиқ хизмати органларини молиявий ҳисобот, солиқ ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб китобни почта ва электрон воситалари орқали ҳам топшириш имкониятига эга бўладилар. Ҳисоботларни топшириш муддати бир ойдан бир чоракга қадар узайтирилади. Бу эса тадбиркорларнинг вақт ва маблағларини тежалишига шароит яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тадбиркорликнинг ривожини кўп жиҳатдан мазкур соҳанинг соҳиби бўлган ишбилармонларга яъни уларнинг сай ҳаракатларига боғлиқ. Тадбиркор жамият ривожланишини ҳаракатига келтирувчи илғор куч сифатида ўз билими, қобилияти омилкорлиги ва ижодкорлиги билан ажралаиб туриши лозим. Демак, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш иштиёқида бўлган ҳар бир шахс,

айниқса бу соҳага энди кириб келаётган ёшлар давлатимиз раҳбари олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар сиёсатида тадбиркорликнинг тутган ўрни, унинг мақсад ва вазифалари, мазмун ва моҳиятини тўлиқ англаши, давлат томонидан яратилган ташкилий, ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шарт шaroитни аниқ билиши ҳамда улардан кенг фойдаланиши, қолаверса, мамалакатимизда ўз хусусий бизнесини жойга қўйган тадбиркорлар, ишбилармонлар томонидан тўпланган бой тажрибани ўрганиш бу соҳага самарали фаолият юритишга кенг имкониятлар очиб беради. Буларнинг ҳаммаси шубҳасиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакат ижтимоий иқтисодий тараққиётининг муҳим омили сифатида яна янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга хизмат қилади.

9-жадвал. Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар

	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар (млн.сўм)	3370,0	6697,0	8838,0
2	Жумладан:			
	қисқа муддатли (млн. сўм)	1093,8	1875,2	2651,4
	узоқ муддатли (млн. сўм)	2276,3	4821,8	6186,6
3	Хорижий кредитларни ўзлаштириш			
4	минг АҚШ долл			
5	минг Евро			

2.3. Учқўрғон туманида кичик бизнесни бошқаришда юзага келган муаммолар

Учқўрғон тумани иқтисодиётини ислоҳ қилишда маълум даражада орттирилган ижобий тажриба мавжуд бўлса-да, аммо тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни бошқариш, янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишдаги чора-тадбирларни чуқурроқ қўллашни тоқазо этмоқда. Чунки туман ишбилармонлари ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар. Хусусан, ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббуссизлиги туфайли ушбу сектор фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти жуда суст. Бу эса республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган салбий сабаблардандир. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...жойлардаги

тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юриштишнинг бозор иктисодиётига хос усул-услугларини жорий этишга олиб келмаяпти»¹.

10-жадвал. Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумот

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
	Жами кичик бизнес субъектлари	бирлик	1778	1250	1417
1	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	1659	1162	1302
2	Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	119	88	115
	Ҳисобот даврида ишга туширилгани	бирлик	112	159	138
	Ҳисобот даврида тугатилгани	бирлик	75	68	60
3	Экспорт, (жисмоний шахслардан ташқари)	минг АҚШ долл.	-	-	135,4
4	Импорт, (жисмоний шахслардан ташқари)	минг АҚШ долл.	1158,0	1060	542,0
5	Ишлаётган ходимлар сони	минг киши	51,3	52,2	53,4
6	Кичик бизнес субъектлари ҳисобига барпо этилган ишчи ўрни, жой	бирлик	1589	1332	1281,0

Учқўрғон тумани ва унинг ҳудудларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги иктисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар кўп ҳолларда белгиланган ишларнинг ахволи қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Фақат Учқўрғон туманида эмас, балки аксарият туманларда ишлаб турган хусусий тадбиркорлик корхоналарининг деярли кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, балки кўпроқ савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмоқдалар.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, кичик ва хусусий бизнес корхоналари ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар (3-чизмага қаранг). Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иктисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.


Айниқса, банк кредитларидан фойдаланишда, уларни олиш тартиботлари мураккаблиги туфайли чет эл кредит ресурсларини олишдаги қийинчиликлар, қарз

¹ Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. // Turkiston. 17 феврал. 2001. №13-14. (144).

олишни таъминлаш бўйича талабларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун юқорилиги (кредит суммасидан 120 фоизгача, бундан ташқари кредит суммасининг 25 фоизи ўз маблағлари бўлиши керак), қарзларни рўйхатга олиш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги бизнес сектор фаолиятини сусайтирмоқда.

3-чизма

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини ривожланишига акс таъсир этувчи иқтисодий омиллар¹



Учқўрғон туманида тадбиркорликни ривожлантиришга қуйидагича муаммоларни асосий деб ҳисоблаймиз²:

- хом ашё, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сотиб олиш учун валюта олиш, хорижий кредит йиналишлари бўйича кредит маблағларини қайтариш имкониятларининг чекланганлиги;
- стратегик хом ашё ресурсларининг айрим турларига ижозат чегараланганлиги;
- фоиз ставкалари юқорилиги, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш тажрибаси йўқлиги, тадбиркорлик маданиятининг етишмаслиги туфайли кредит, молия ресурсларини олиш борасида қийинчиликлар мавжудлиги;

¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Г.Саидова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. 1998. 65 бет.

- тадбиркорлик ва кичик бизнес секторига ўзлаштирилган экспорт маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш учун профессионал маркетинг тузилмаларининг етишмаслиги;
- хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш учун хорижий бозорларни билмаслик;
- солиқ тизимида мажбурий бўлган тўрачилик тартиботлари: экспорт-импорт контрактларини рўйхатга олиш, ҳар хил фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, кредит олиш учун кўп миқдордаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва хоказоларнинг кўплиги;
- хусусий тадбиркорлик соҳасида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жиҳатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларнинг етишмаслиги.

Кўриниб турибдики, Учқўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналарнинг фаолияти асосан корхонанинг ташқи муҳити таъсиридан юзага келган муаммоларга кўпроқ дуч келмоқда.

Кўпчилик кичик бизнес субъектларида ички омиллар ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим кичик бизнес корхоналари ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда суст.

Эътиборлиси шундаки, кўпчилик тадбиркорлар структурасида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар доирасида айланма маблағга мҳтожлик сезилмоқда. Қарзга олинган маблағ фоизлари ва кредит беришнинг талабларига ҳар доим ҳам қодир бўлмагани учун банк кредитларидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди.

Шунинг учун тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантиришда шахсий жамғармасидан ёки таъсисчилар бадалидан тузилган (ташкил топган) бошланғич сармоядан фойдаланадилар. Бундан ташқари, тадбиркор эркин муомаладаги валютада кредит олишида кўпгина харажатлар қилади. Масалан, тадбиркор 1 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олиш учун унинг харажатлари 3,3 млн. сўмга яқин маблағни ташкил этади. Бошловчилар учун бундай миқдорда маблағни топиш албатта машаққатли. Бунга яна лойиҳа ташаббускорининг маълумоти даражасининг юқори эмаслиги ва ташқи иқтисодий фаолиятда тажрибанинг йўқлиги кўшилади.

Фикримизча, 2005 йилда фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони йилдан йилга ортиб бориш тенденциясига эга. Уларнинг ўсиш суръати йилдан йилга пасайиб бормоқда. Учқўрғон туманида фаолият кўрсатмаган кичик бизнес субъектлари сонининг йиллар бўйича динамикаси тўлқинсимон тенденцияга эга (10-жадвалга қаранг). Ижобий вазият фақат қўшма корхона мулк шаклидаги кичик корхоналарда сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари Учқўрғон туманида кичик бизнес субъектларини ташкил этишда иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича ҳам жиддий муаммо юзага келган. Буни иқтисодиётнинг айрим тармоқларида кичик бизнес субъектларини миқдор жиҳатдан сезиларли ортиб бораётганлигини ва айрим тармоқларда эса кичик бизнес субъектларини миқдорий ортишида ўзгариш йўқлиги ва хатто камайиш тенденциялари ҳам шаклланганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса маҳаллий иқтисодиётнинг номувофиқ ривожланишига олиб келиши мумкин. Масалан, вилоятдаги кичик бизнес субъектларининг аксарияти қишлоқ хўжалиги

Бугунги кунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, шунингдек, ҳозирча сезиларли даражада чора-тадбирлар кўра олмаётган Савдо-саноат палатаси бутун кучини ишга солиши шартлигини шахсан, Президентнинг ўзи ҳам қаттиқ таъкидлаб ўтган. Ушбу палата билан бизнес субъектларининг ҳамкорликда ишлаш жараёнидаги бир-бирини тушуниш ҳолатлари яхши эмас. Сабаби маҳаллий ҳокимият органлари уларга тегишлича мадад кўрсатмаяпти. Жойларда ҳокимият ва бошқарув

органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуви каби мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилика риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шакллари яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли деярли суёт ишламоқда.

Ушбу долзарб муаммоларни ўрганиш, келажакда кичик бизнеснинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги хиссаси қандай бўлишини тахмин қилиш ва унинг республикада кечаётган ижтимоий-иктисодий жараёнга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш имконини беради. Шу боис кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муаммоларини ўрганиш давр талабидир.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикада барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд ва бу соҳадаги ишлар ҳали давом этмоқда. Бироқ янгича иқтисодий тафаккурнинг заифлиги туфайли қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари кичик бизнеснинг, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда айрим ходим ва раҳбарларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари туфайли кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишида жузъий муаммолар пайдо бўлган. Шу боис, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат миқёсидаги бундай муаммоларни ҳал этиш давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади ва бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш нуктаи назаридан долзарбдир.

Макроиктисодий кўрсаткичлар (қиймати амалдаги нархларда, фоизи солиштирма нархларда)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Саноат ишлаб чиқариш	млн.сўм	55520,0	75671,2	104844,2
<i>Ўсиш суръати</i>	%	124,0	118,7	121,9
Истеъмол моллари	млн.сўм	36428,4	43709,5	69084,3
<i>Ўсиш суръати</i>	%	112,8	107,4	127,1
Капитал қўйилмалар	млн.сўм	15118,5	23670,8	27088,9
<i>Ўсиш суръати</i>	%	145,8	133,9	102,6
Пудрат ишлари	млн.сўм	9394,8	12754,7	16135,1
<i>Ўсиш суръати</i>	%	113,1	116,3	119,0
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	65783,0	74902,7	93158,4
<i>Ўсиш суръати</i>	%	108,8	102,2	105,0
Чакана савдо	млн.сўм	45586,8	53237,4	65582,6
<i>Ўсиш суръати</i>	%	127,7	100,6	101,5
Хизматлар жами	млн.сўм	31372,0	35462,6	54370,0
<i>Ўсиш суръати</i>	%	115,6	118,4	108,8
Пуллик хизмат	млн.сўм	6760,2	9774,7	13142,0
<i>Ўсиш суръати</i>	%	124,0	123,0	119,3
Экспорт	минг.долл	3660,7	4423,7	4288,7

<i>Ўсиш суръати</i>	%	43,2	120,8	96,4
Импорт	минг.долл	1940,5	1307,2	1561,6
<i>Ўсиш суръати</i>	%	340,9	67,4	119,4
Жами капитал қўйилмалар	млн.сўм	15118,5	23670,8	27088,9
<i>Шу жумладан</i>				
Марказлаштирилган инвестициялар	млн.сўм	1006,1	3904,3	791,8
- бюджет маблағлари	млн.сўм	6,4	2724,4	783,9
- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	млн.сўм	999,7	1179,9	7,9
Марказлашмаган инвестициялар	млн.сўм	14112,4	19766,5	26297,1
- корхоналарнинг ўз маблағлари	млн.сўм	5153,8	6783,8	4472,6
- тижорат банклари кредитлари	млн.сўм	3161,2	3690,0	9063,1
- аҳоли маблағлари	млн.сўм	5797,4	9292,7	12761,4
- бошқалар	млн.сўм	-	-	-
Инвестицион лойиҳалар сони		-	4	11
Қиймати	млрд.сўм	-	0,02	1,1

3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни бошқарилишини янада такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда давлатнинг бош ислохотчилигини таъминлаш

Ўзбек модели асосидаги тамойилларнинг иккинчисида «давлат бош ислохотчидир» деб қайд этилади. Бугунги кунда бу тамойилнинг устувор даражада амал қилиши иқтисодийни барча соҳаларида ривожланиш ва тараққийни таъминлаш имкониятларини кенгайтirmoқда.

Давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратлади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.

Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатлари тегишлича Адлия вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатида олиниши зарур, бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хизмат ёки тижорат сирини бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Давлат органлари ва бошқа органларнинг, улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг, меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ҳамда улардаги мансабдор шахсларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан суд тартибида шикоят қилиниши ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат органлари ёки бошқа органларнинг ёхуд улардаги мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига етказилган зарар, бой берилган фойдани қўшган ҳолда, шу органлар томонидан қонуний равишда қопланади. Зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни фақат суд органлари томонидан белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибда олиб қўйиш бундан мустаснодир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш давлат томонидан норматив-ҳуқуқий негизни такомиллаштириш, инфраструктурани шакллантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт-шароит яратиш асосида иқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурлари бозор инфраструктурасини вужудга келтиришни, қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантиришни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини ўз ичига олади.

Дастурларни молиявий таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари, халқаро дастурлар бўйича, хусусий ва бошқа манбалардан жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари томонидан ажратиладиган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;
- устав сармоясида иштирок этиш;
- маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник жиҳатдан кўмаклашиш;
- инфраструктурани ривожлантиришга кўмаклашиш;
- олинаётган кредитлар учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш йўли ҳамда қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳосил қилинади.

Қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шундай хизматлар кўрсатиш юзасидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барпо этиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналарини барпо этишда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган асосий фондлар қийматининг имтиёзли индексацияси қўлланилади.

Қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иморатни ижарага олиш ёки сотиб олишда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда сотиб олишда бринчи навбат ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат бошқарув органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуна ва технологиялар олишга, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технология марказлари ва инфраструктуранинг бошқа объектлари тармоғини барпо этишга ёрдам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини таъминлайдилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, ярмаркалар барпо этиш ва ташкил этишда ёрдамлашадилар.

Давлат бошқарув органлари маҳсулотлар ҳарид этиш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш учун шартномаларни тузиш вақтида буюртмаларни танлов асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақсимлаб беришлари ҳам мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини, мавжуд талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб эркин баҳоларда реализация қиладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, шу жумладан қишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган ёки рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги 2 йил давомида улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан амалга бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чикимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг тезлаштирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган меъёрдан 2 мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўлланишга ҳақлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 3 йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилиб, амортизация ажратмалари ажратиб келинган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизига қадарини ҳисобдан чиқаришга ҳақлидирлар.

Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан 2 йил ўтгунга қадар ўз фаолиятини тугатган тақдирда қўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий корхонанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайтарилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш махсус фондларнинг ихтисослаштирилган агентликлари томонидан суғурта полиси асосида амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига имтиёзли кредитларни бериш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватлаш муассасалари томонидан амалга оширилади. Республика Давлат мулк кўмитаси ушбу мақсад учун хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқаришдан тушган тушумлар ҳисобидан 50 фоиз маблағларни кичик бизнесни қўллаб қувватловчи давлат жамғармаларига ўтказди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурталаш бўйича ҳимоя қилишни барча турдаги суғурта агентликлари ва бошқа махсус агентликларнинг тавсияномаларига асосан имтиёзли кредитларни ажратади. Мазкур ихтисослашган суғурта агентликлари тадбиркорлик таваккалчиликларидан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

Тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарар етказганлиги учун, шу жумладан бой берилган фойда тарзида зарар етказганлиги учун меъёрий (қонун) ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкдаги ўз ҳисоб варақаларидан ўз маблағларини олишни рад этишга ҳақли эмаслар.

Бозор иқтисодиёти турли мулк шакилларига, кўп укладли иқтисодиётга асосланади. Шу боисдан Ўзбекистонда мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг иқтисодий жараёнлари олиб борилаётган ислохотларда аниқ намоён бўлмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштириш мулкдорлар синфини келтириб чиқаради. «Хар бир шахс мулкдор бўлишига ҳақли дейилади» Ўзбекистон Республикаси асосий қонунида².

Ўзбекистонда мулкчилик ҳукуки иқтисодий ўзгаришларни асосидир. Республикада мулкдор ҳукуки қонун билан тан олинган ва ҳимоя қилинади. Мулкчилик давлат ва нодавлат мулкка, хусусий, жамоа (ширкат) бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарши жисмоний ва юридик шахслар мулки, ҳамда мулкчиликнинг аралаш шакли киради.

Демак хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат кафолатлайди, эркин ва ҳалол рақобат учун шароит яратади.

Биз «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилганмиз, лекин у амалда тўла тўқис иш бераётгани йўқ. Шунинг учун монополияга қарши қонунни кучайтириш керак, табиий монополиялар тўғрисида қонунни ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтиришимиз керак.

Мулкдорлар синфини шакиллантириш масаласини тубдан ҳал этиш учун хусусий мулкчилик ва куп укладли иқтисодиётни ривожлантиришимиз ва барпо этишимиз лозим. Бунинг учун қишлоқда пайчилик муносабатлари орқали фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш ва эғалик туйғусини қайта тиклашимиз керак. эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт шароитлар яратиш зарур. Бунинг учун, макро ва микро кредит олиш йулида мавжуд тусиқларни олиб ташлаш керак. Яқин икки

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 36 модда.

уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баробар купайтириш ва ялпи миллий махсулотда уларнинг улушини камида 56% етказиш вазифаси турибди.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш аҳамиятини ошириш чоралари

Бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли Учқўрғон туманида ҳам янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Учқўрғон туманининг маҳаллий-худудий бошқарув органлари томонидан ҳам бу борада жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий миқёсдаги кичик бизнес корхоналарининг ҳар бир иқтисодий фаолияти давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Жумладан, «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонунда маҳаллий бошқарув органлари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда банкларни ролини ошириб боришга алоҳида эътибор берилди.

Маҳаллий бошқариш органлари таркибида кичик бизнес корхоналарини асосий фаолиятини банклар орқали молиявий таъминлаш жиҳатидан тартибга солиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки маҳаллий миқёсда олиб бораётган кичик бизнес корхоналарининг фаолияти, хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш, иш ҳақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар яъни олинган фойдадан, даромаддан солиқ тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари банклар орқали, ўз навбатида олинadиган кредитлар ҳам бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Шунинг учун ҳам маҳаллий бошқарув органлари томонидан банк тизими фаолиятини яхшилаш, тадбиркорларни актив иқтисодий фаолият кўрсатишида банкларни барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда.

Умуман маҳаллий миқёсда барча турдаги банклар фаолиятида пул маблағларини кичик бизнес ва тадбиркорликни маълум бирор йўналишга сафарбар этишга қаратилган.

Маҳаллий кўламда фаолият кўрсатувчи банклар молиялаштириш бўйича қуйидаги бошқарувчиликни амалга оширадилар:

- Муддатлари бўйича кредитлар ажратиш, улар 1 йиллик, 5 йиллик ва 7-10 йилга мўлжалланган бўлиши мумкин;
- Кредитларни ҳажми бўйича кичик, хусусий, йирик миқдорда ҳар бир мижозга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;
- Айрим турлари бўйича махсус кафолатни талаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар ажратиш;
- Кредиторларни турлари бўйича яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари бўйича бериш;
- Заёмни турлари бўйича юридик шахслар ва ҳақозаларга бериш;
- Вақтинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истеъмол учун, қарзларни тўлаш асосан экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Шундай қилиб маҳаллий бошқарув органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиявий таъминотини маҳаллий кўламда фаолият кўрсатувчи турли банклар орқали тартиблаб борадилар. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги даврларда фақат марказий банкнинг маҳаллий бўлимлари фаолият кўрсатган. Эндиликда эса маҳаллий кўламда турли мулкчиликка асосланган тижорат банклари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Барча мулк шаклларида катъий назар кичик бизнес корхоналари Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунга¹ ва Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига² мувофиқ давлат ва маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқлар тарзидаги даромадлар манбалари белгилаб берилган. Бу солиқларни маҳаллий кўламда жорий этишдан кўзланган мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг кичик бизнес фаолиятини тартибга солишдан, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишни ва атроф муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантиришдан иборатдир.

Устав фондида чет эл капитали бўлган қўшма корхоналар хорижий катнашчиларининг даромадлари чет элга ўтказилаётганда, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, уларга 15 фоиз ҳажмда солиқ солиниши белгиланган.

Маҳаллий бошқарув органлари томонидан Учкўрғон туманидаги кичик бизнес корхоналарини давлат томонидан тартибга солиб боришда аудит ва аудиторлик тафтишини ўтказиш чора-тадбирлари ҳам меъёрий ҳужжатларда белгиланганидек амалга оширилади.

Маҳаллий кўламдаги кичик бизнес корхоналарини иқтисодий фаолият юритишларида, молиявий ва бухгалтерия ҳисоб-китобларини тўғри амалга оширишларида аудиторлик фирмалари ҳам муҳим рол ўйнайди. Аудиторлик фирмалари бозор инфратузилмасининг энг муҳим унсурларидан биридир, улар мулкдорлар ва давлатнинг мулкрий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мустақил молиявий назоратни амалга оширади.

Маҳаллий-худудий кўламда кичик бизнес корхоналарини аудит ва аудиторлик назоратидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Маҳаллий-худудий миқёсда фаолият кўрсатувчи аудиторлар (аудиторлик фирмаси) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботини аудит қилиш ва тузилган шартномага биноан консалтинг хизмати кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг «аудиторлик фаолияти ҳақида»ги мазкур қонун, бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан текширувнинг шакл ва усуллари мустақил белгилаш;
- текширилаётган объектда ҳам, учинчи шахслар қўлида ҳам бўлган, текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулкрий ҳолати ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар билан танишиш имконияти бор;
- ўтказилаётган текшириш ва ёки кўрсатилаётган аудиторлик хизмати муносабати билан текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарларидан ва бошқа ходимларидан, шунингдек учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма тарзда зарур изоҳлар олиш;
- лицензиядан маҳрум этиш ҳақида қарор қабул қилинганида судга ариза билан мурожаат қилиш.

Учкўрғон туманида аудитор фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш учун маҳаллий бошқарув органлари тасаббуси ва қонунчилик асосида аудиторлар палатаси тузилган. Маҳаллий бошқарув органлари томонидан тартибга солишда кичик бизнес корхоналарининг ҳар қандай фаолияти муайян даражада ва муайян тартиб-қоидаларга риоя қилиб амалга оширилади.

Кичик бизнес корхоналарини маҳаллий бошқарув органлари томонидан тартибга солиш жараёнлари амалга оширилар экан, Республика савдо-саноат палатасининг вилоят бўлими орқали статистик жиҳатдан белгилаб бориш ва умумий иқтисодий фаолиятини яхшилаш мақсадида қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилган.

¹ Ушбу Қонун 1991 йил 15 февралда қабул қилинган.

² Ушбу 930-сонли Қарор 1994 йил 24 февралда қабул қилинган.

Хулоса

1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес секторини устувор ривожлантириш, уни бошқаришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини асослаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан кичик корхоналарни бошқариш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти бугунги кунда мавжуд. Асосий муаммолардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд бўлган имкониятларни ишга тушириш, улар фаолияти унумдорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш юзасидан Учқўрғон туманида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда туманда 2 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рўйхатдан ўтган. Бу секторда меҳнат ресурсларининг 50 фоиздан кўпроғи фаолият кўрсатмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш, янги иш ўринларини барпо этиш, маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорни ҳаридорбоп маҳсулот билан тўлдириш иқтисодийда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

3. Учқўрғон туманида кичик бизнесни бошқариш соҳасида қатор муаммолар мавжудлиги кузатилди, мазкур муаммоларни ҳал этиш юзасидан қатор тадбирларни, жумладан қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- кичик бизнес корхоналари фаолиятини кенгайтириш мақсадида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолиятини кучайтириш;

- барча тармоқлардаги кичик бизнес корхоналари соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тайёр, ярим тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг оптималлигини таъминлашга кўмаклашиш ва бунинг учун тегишли идоралар фаолиятини ошириш.

Давлат томонидан бошқаришда кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг иқтисодий йўналишини такомиллаштириш юзасидан:

- ҳаридоргир, арзон ва сифатли истеъмол моллари ишлаб чиқаришни устувор ривожлантириш;

- истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш юзасидан рағбатлантирувчи дастак ва механизмларни амалиётга киритиш;

- техник йўналишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши ҳамда мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқадиған кичик ва ўрта корхоналарнинг ихтисослашганлигини таъминлаш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг даражаси юзасидан:

- инновацион лойиҳалар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги кичик корхоналарни шакллантириш;

- ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш ва замонавий минитехнологияларни кенг қўллаш;

- мутахассислар малакасини узлуксиз оширишни таъминлаш.

Соҳа маҳсулот ишлаб чиқаришида саноат кичик корхоналарининг улушини ошириш юзасидан:

- ишлаб чиқаришга илмни кўп талаб қилувчи маҳсулотларни жойлаштириш;
- бозор талаблари асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- маҳаллий хом ашё, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда ўртасидаги мутаносиблик юзасидан:

- ишлаб чиқаришга дастурий ёндашишни таъминлаш;
- бошқарувчи кадрларни иқтисодий-ҳуқуқий маданиятини ошириш;
- бошқарувчи кадрларнинг маданияти ва маънавиятини кўтаришни талаб қилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни оптималлаштириш ва фаоллаштириш юзасидан:

- ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларни иқтисодий ўқувини ташкил қилиш;
- экспорт имкониятларини кенгайтиришга маркетинг ва дастурий тамойиллар асосида ёндашиш;
- экспорт-импортнинг мақбул вариантини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан билдирилган таклифларни амалга ошириш кичик бизнес фаолиятини оширишга катта имконият яратади.

4. Учқўрғон туманида хусусан, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг истиқболдаги ривожланиши ва самарадорлигини ошириш юзасидан асосан қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- бугунги кунда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш ва имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;
- кичик бизнес корхоналарининг ривожини ва минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётини уйғун тарзда амалга ошириш, бу борада ташкилий, услубий ва бошқа тадбирларни кенг юзага чиқариш;
- кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда кичик корхоналар учун мутахассислар, айниқса бошқарувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини йўлга қўйиш ҳамда ахборот консалтинг тизимини мустаҳкамлаш;
- кичик бизнеснинг техник даражасини кўтариш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ва инновацион жараёнларни кучайтиришни таъминлаш;
- кичик корхоналарни ривожлантириш учун қулай иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, айниқса кредит олиш, банк-молия тизимлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, уларнинг хом ашё ва бошқа моддий ресурслар бозорига объектив кириб боришларини кенгайтириш ҳамда кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда кенг сотилишининг оптимал механизм ва тизимларини йўлга қўйиш;

– кичик корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш, 2002-2005 йиллар давомида кичик ва ўрта корхоналар сонининг камида икки баробар ўсишини таъминлаш ва бошқалар.

5. Кичик бизнес корхоналарини бошқариш борасида қатор иқтисодий-ташкилий механизмларни такомиллаштириш талаб этилади. Бу борада молиявий лизинг, молия, кредит ва бошқа механизмлардан кенг фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу таклифларни амалга оширилиши: кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш; уларнинг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган асосий фондлар билан таъминлаш; мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан унумли фойдаланишни таъминлайди.

6. Янги иқтисодий шароитда кичик бизнес корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини тубдан такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги йўналишларда фаол чоратadbирларни амалга ошириш зарур:

– ташқи бозорга чиқиш ва корхона экспорт имкониятларини кенгайтиришга дастурий ёндашишни таъминлаш ;

– маҳсулот экспорт-импортини оптималлаштириш истиқбол режаларини асослаш;

– мазкур соҳада ишловчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва бошқалар.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнесни мазкур йўналишда ривожлантиришни рағбатлантиришда иерархия субъектлари - кичик корхона, бошқарув ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятларини уйғунлаштириш, иқтисодий дастаклар асосида ёрдам ва таъсир қилиш ишларини амалга ошириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ташқи бозорларда сотилишини ташкил қилишга фикримизча дастурий ёндашишни амалга ошириш зарур, унга мувофиқ кичик корхоналар ташқи бозорга тасодифий эмас, балки ҳар томондан асосланган режа асосида ишлаб чиқаришга дастурий ёндашиш таъминланади. Кичик бизнес корхоналарининг ташқи бозорларга чиқишлари юзасидан таклиф қилинадиган дастурий ёндашув мазкур йўналишда ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини ва уйғунлигини таъминлашга, шу йўлда мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларни тезкорлик билан олиб ташлашга ҳамда ишнинг илмий-ташкилий асосда амалга оширилиши ва энг кўп натижа беришини таъминлайди.

Минтақа муаммолари асосида кичик корхоналарни ривожлантириш ва шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш керак- ишлаб чиқариш чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг экологик йўналишларини

мустаҳкамлаш; асосий фондларни сақлаш ва таъмирлашни амалга ошириш; маҳаллий хом ашёни ишлаб чиқариш оборотига жалб қилиш; уй меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқалар.

Социологик тадқиқотлар натижаларига кўра кичик корхоналарда мутахассислар малакасини ошириш энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада Республикада жойлашган кичик корхоналар фаолияти таҳлили, уларда бошқарувчи кадрлар тайёрлаш малакасига алоҳида аҳамият берилиши кераклигини кўрсатди. Шу муносабат билан мазкур вазифанинг амалий ечими сифатида кичик ва корхона бошқарувчилари учун мўлжалланган бизнес маркази ва қисқа муддатли кичик корхона мутахассисларининг ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро маркетинг бўйича минтакавий амалий-ўқув курсини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

8. Кичик корхоналар ҳаётийлиги, яъни уларни ташкил қилинганидан сўнг доимий ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишлари Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу жараёни оқилона бошқаришни таъминлаш мақсадида кичик корхоналарнинг яшовчанлик даражаси ҳамда янги тузилган ҳамда тугатилган кичик корхоналар ўртасидаги даража коэффициентларини илмий-статистик оборотга киритиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур коэффициентларни амалий статистик оборотга киритилиши кичик корхоналарнинг тугатилиш, уларнинг тенденцияси ва тугатилиши сабаблари бошқаришни такомиллаштиришни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». // Халқ сўзи. 22 январ. 1994.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида». // Халқ сўзи. 6 январ. 1995.
3. Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. Т.: Ўзбекистон, 1992. 382 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида. // Иқтисод ва ҳисобот. №2, 1996. 2-5 бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш тўғрисида. // Халқ сўзи. 14 апрел. 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2006 йил 5 январь. //Халқ сўзи, 2006 йил 6 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 14 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 16 июнь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2005 йил 20 июнь. //Халқ сўзи, 2005 йил 21 июнь.
9. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 14.06.2005й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини химоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
12. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2009 йил. 15 май. (ПҚ–1112-сон).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2011 йил 4 апрел, ПФ-4057-сон.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - 92 б.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.
19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -48 б.
20. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

2. Илмий манбалар

22. Алмарданов М. Иқтисодиётга солиқлар орқали таъсир этиш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №9. 2001. 51 б.
23. Арипов О.А. Ривожланиш омили. // Иқтисод ва ҳисобот. №8, 1996. 9-11 бетлар.
24. Арипов О.А. Энг ҳаракатчан, энг тасаббушкор. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №3, 2000.
25. Арипов О.А., Каримова М. Регулирование малого и среднего бизнеса. // Рўнок, деньги, кредит. №7, 2001. стр-60.
26. Арипов О.А. Государственное управление и регулирование частного предпринимательства в условиях либерализации. // Интеграция Казахстана в мировую систему образования: перспективу развития, проблемы и пути их преодоления. Матер. докладов Академии экономики и права им. У.А.Джолдасбекова 3-Международной научно-практич. конференции, посвящ. памяти акад. У.А.Джолдасбекова Казахстан. 2008, 24 апр. с. 60-63.
27. Арипов О.А. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2006. –154 б.
28. Исажанов А. Ният ва имконият (ташки иқтисодий фаолиятда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида). // Иқтисод ва ҳисобот. №6, 1996. 27-29 б.
29. Касымов С. Проблема организации и функционирования малого и среднего бизнеса в Узбекистане. // Экономика и статистика. №8, 1995. 39-34 стр
30. Мадрахимов К. Тараққиёт сари ташланган қадам. Жамият ва бошқарув. №4. 2001. 50-53 б.
31. Малые предприятия. Правовое регулирование. Налоги и отчетность льготы. М.: ПРИОР, 1996. 80 стр.
32. Муминов Н. ва бошқ. Кичик ва ўрта бизнес стратегияси. 1 ва 2 қисм. Т.; «Кибернетика», 1999.
33. Рубе В.А. Мелкое и среднее предпринимательство в условиях господства монополий. М.: Изд. Московского университета, 1978. 213 стр.
34. Санакулова Б., Кудратов Х. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 9. 2001. 47-48 бетлар.
35. Узоқов Н. Кичик ва ўрта бизнеснинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №12. 2001. 35-36 бетлар.
36. Ҳалимов М. Кичик бизнес имкониятларини кенгайтириш омиллари. // Бозор, пул, кредит. №2. 2002. 26-28 бетлар.
37. Худойбердиев З. Кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашни замонавийлаштириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №9, 2001. 52-53 бетлар.
38. Шамхалов Ф. Государство и экономика: основы взаимодействия. «Экономика», 2000. 382 стр.

39. Шурус А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Российский экономический журнал. №3 1993. 78-88 стр.
40. Эргашев Т., Исмаилов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. Т.: «Шарқ», 2001. 176 бет.
41. Эриашвили Н.Д. Маркетинг. Учебник: М.: ЮНИТИ. 618 стр.
42. Экономическое обозрение: Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес: ҳозирги аҳоли, муаммолари, истикболи. №3 (13). 2000. 81-87 бетлар.
43. Экономическое обозрение: Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес: ҳозирги аҳоли, муаммолари, истикболи. №4 (14). 2000. 92-95 бетлар.
44. Экономическое обозрение: Кичик бизнес ва инсон тараққиёти. №3 (19) 2001. 57-61 бетлар.
45. Экономическое обозрение: Кичик бизнес ва инсон тараққиёти. №4 (20) 2001. 61-63 бетлар.
46. Қодиров А. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. // Бозор, пул, кредит. №2, 2001. 61-64 бетлар.
47. Ғайбуллаев Р., Мамараймов К. Тадбиркорлик тузилмаларини молиялаш ва кредитлаш. // Бозор, пул, кредит. №1. 2002. 55-57 бетлар.
48. Ғафуров У.В. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасини белгилаш ва рағбатлантиришнинг айрим жиҳатлари. // Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг айрим муаммолари. Т.: Фан, 1997-1998. 26-35 б.
49. Ғойибназаров ва бошқалар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. –Т.: Фан, 2011.
50. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.
51. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. -272 бет.

4. Статистик манбалар

52. Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. - Наманган. Вилоятстат, 2012.
53. Учқўрғон туман паспорти. -Учқўрғон. 2012.

4. Интернет маълумотларини қуйидаги сайтлардан олинади

54. www.zone-x.ru/showtov.asp
55. www.ssau.ru/books/economics/1.shtml,
56. www.rubricon.com/tsep_1.asp,
57. www.neocd.ru/showtov.asp?,
58. www.MIFI.ru/education/courses/economy/,
59. www.diploms.com/econ/e_predpr.htm,
60. econpredpr.narod.ru,
61. economy.infotechno.ru.